

(1891-йил 23-феврал, Наманган уезди Поп волостидаги Исковат кишлоги - 1928-йил 31-декабр, Москва)

Давлат ва жамоат арбоби, дипломат. 1903-1905-йилларда Попдаги, 1906-07-йилларда Кўкондаги рус-тузем мактабида ўқиди. 1909-1917-йилларда Ўш ва Жалолобод шаҳарларида Бозоркўргон ва Кўргонтепадаги приставларда котибларда котиблик ва тилмочлик килди. 1917-йил ноябрида уни Ўш шаҳар думасига аъзо килиб сайлашади. И. Хидиралиев 1919-йилдан турли совет идораларида масъул лавозимларда ишлади: Фаргона вилояти партия кўмитасининг котиби (1920-21), Туркистон АССР Ер ишлари халк комиссари (1922), Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети (МИК) раиси (1922-24). РСФСР Ер ишлари, федерал комитети Президиуми аъзоси (1923-24). Туркистон АССРнинг РСФСРдаги мухтор вакили (1924-йил январ - ноябр). И. Хидиралиев Туркистон республикаси манфаатларини химоя килиб, болшевикларнинг шовинистик сиёсатиға қарши қурашди. Туркистондаги истиклолчилик ҳаракатиға хайрихоҳлик билан қаради. У “ўн саккизлар гуруҳи”нинг ташкилотчиларидан бири эди (1925). Ер ишлари халк комиссари (1925) сифатида И. Хидиралиев Ўзбекистонда ер-сув ислохотини амалға оширишда фаол қатнашди. Пахтакор дехқонларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий химоя қилиш тарафдори бўлган. 1926-йилда у Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги банки правления раиси лавозимида ишлади. И. Хидиралиев Ўзбекистонда ер-сув ислохотини амалға оширишда халк комиссари сифатида фаол қатнашди. У болшевиклар томонидан ўтказилаётган “қулоқларни синф сифатида тугатиш” сиёсатиға қарши чиққан эди. Пахтакор дехқонларни иқтисодий жиҳатдан химоя қилишда жонбозлик кўрсатди. Бирок мустабид тузумнинг унга ўтказган рухий тазйиқлари ва доимий таъқиб остиға олишлари таъсир қилмасдан қолмади. И. Хидиралиев 1928-йил Москвадаги “Национал” меҳмонхонасида ўз жонига суиқасд қилди. Москванинг Ваганково қабристонида дафн этилган. И. Хидиралиев вафотидан кейин, 1937-йилдаги оммавий репрессия даврида “халқ душмани” сифатида қораланган эди. Андижондаги кўча, Кўргонтепа туманидаги мактабға И. Хидиралиев номи берилган.